

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 у.г. «19» 09.09.15 № 793/8 Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар “Graniksgazservis” маъсулияти чекланган жамиятига қарашли Каттакўрғон шаҳар Қорадарё кўчаси атрофида жойлашган “Автомобилларга ёқилги ва суюлтирилган газ қуйиш шахобчаси” ёнида “Гул ва бошқа турдаги кўчатлар етиштириш” цехи ўрнида “Аҳолига хўжалик истеъмоли учун суюлтирилган газ қуйиш шахобчаси” қуришга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят хокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Каттакурғон шаҳрининг бош режасининг муаллифи «Узшахарсозлик ЛИТИ» ОАЖнинг 2015 йил 07 сентябрдаги № 1-10/3593 сонли келишув хатини, Каттакўрғон шаҳар шаҳар хокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини, Каттакўрғон шаҳар «Graniksgazservis» маъсулияти чекланган жамияти директори Ш.Насировнинг шаҳар хокими номига 2015 йил 29 июлдаги № 19 сонли ёзган хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттакўрғон шаҳар хокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар Қорадарё кўчаси атрофида жойлашган “Graniksgazservis” маъсулияти чекланган жамиятига қарашли “Автомобилларга ёқилги ва суюлтирилган газ қуйиш шахобчаси” ёнида жами 0, 2444 га ер майдонида “Гул ва бошқа турдаги кўчатлар етиштириш” цехи ўрнида “Аҳолига хўжалик истеъмоли учун суюлтирилган газ қуйиш шахобчаси” қуришга ҳамда атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
3. Каттакўрғон шаҳар шаҳар “Graniksgazservis” маъсулияти чекланган жамияти директори Ш.Насировга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун хужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”да кўрсатилган 2 йил муддат ичида “Graniksgazservis” маъсулияти чекланган жамияти директори Ш.Насиров томонидан ишлар амалга оширилмаса ушбу қарор бекор қилинсин.
5. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда, тасдиқланган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттакўрғон шаҳар «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
6. Белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларини ундириш шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Жураев) зиммасига юклатилсин.
7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар хокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар хокими

Ш.Ж. Раҳмонов